



REGARDING THE ETHNIC GROUP OF TOKHORS

Zulpikar Tuymuradov

Associate Professor, Candidate of Historical Sciences

Karshi State University

Karshi, Uzbekistan

E-mail: tuymurodovzulpiqor@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: State of Yuechji, State of Oguzer, Kingdom of Bactria, Guyshuan - Tokhor (Tokhor) tribe, State of Dakhya (Tokhoristan), Turkic clan, Oghuz-Turkman family, Tokhors, Doger clan.

Received: 09.02.25

Accepted: 11.02.25

Published: 13.02.25

Abstract: The article is devoted to elucidating the origin of the Tocharians, who left a significant mark on ancient history. In it, as a result of studying and analyzing the works of medieval and modern scientists on the ancient history of the Tocharians, it was concluded that this is a Turkic tribe, namely, it comes from the Turkic Oguzes. The place of the Tocharians in the Oghuz-Turkmen family tree is also indicated.

ТҮХОРЛАРНИНГ ҚАЙСИ ЭТНОСГА МАНСУБЛИГИГА ОИД

Зулпикар Туймурадов

Доцент, тарих фанлари номзоди

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

E-mail: tuymurodovzulpiqor@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Юэчжи давлати, Ўғузер давлати, Бақтрия подшолиги, Гуйшуан – тўхор (тохар) қабиласи, Даҳя (Тўхористон) давлати, туркий уруғ, ўғуз-туркман шажараси, тўхорлар, дўггер уруғи.

Аннотация: Мақола қадимги тарихда салмоқли из қолдирган тўхорларнинг келиб чиқишига аниқлик киритишга багишиланган. Унда ўрта аср ва замондош олимларнинг тўхорлар қадимги тарихига доир ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида бу қабила туркий эканлиги, айнан туркий ўғузлардан эканлиги хақиқатга яқинлиги тўғрисида холоса қилинган. Шунингдек, тўхорларнинг ўғуз-туркман шажарасидаги ўрни кўрсатилган.

ОТНОСИТЕЛЬНО ЭТНИЧЕСКОЙ ГРУППЫ ТОХОРОВ

Зульпикар Туймурадов

Доцент, кандидат исторических наук

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

E-mail: tuymurodovzulpiqor@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Государство Юэчжи, государство Огуз, Бактрийское царство, племя Гуйшунан - Тохор (Тохар), государство Дахья (Тохористан), тюркское племя, генеалогия огузов и туркмен, тохоры, племя дагеров.

Аннотация: Статья посвящена выяснению происхождения тохаров, оставивших значительный след в древней истории. В нем в результате изучения и анализа работ средневековых и современных ученых по древней истории тохаров сделан вывод, что это племя тюркское, а именно оно происходит от тюркских огузов. Также указано место тохаров в огузско-туркменском генеалогическом древе.

КИРИШ.

Тўхор(тохар)лар қадимги этносларидан бири бўлиб, Марказий Осиё тарихида салмоқли из қолдиргани ҳақидаги талай маълумотлар Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида баён қилинган. Улар юонон-рим манбаларида “тохар”, “тагур”, хинд манбаларида “тукхара”, хитой йилномаларида “тухоло”, “юэчжи”, қадимги турк манбаларида “тоқар (тўқар)”, “тохри (тўхри)”, “тугара” шаклларида қайд этилган. Осетинларнинг иккинчи номи “дигор”да, туркмўғул қабиласи бўлмиш жалойирларнинг бир уруғи тохраутлар номида, туркий - ўғуз оққўйинлиларнинг тохарлу тармоғи номида, ўғузларнинг қадимги уруғи бўлган тўгар (дўкер)ларда тохар этноними ҳозир ҳам яшаб келмоқда.

Тўхорлар ишлатган ёзувлардан бирини бир гуруҳ олимлар хинdevропа тиллари оиласининг алоҳида тармоғи деб ҳисоблаганлар. Птолемей (мил. 1-а.) асарларида тохарлар “Бақтрияниң энг катта халқи” сифатида тилга олинган. Турли манбаъларда тохарларнинг милоддан аввалги XIII асрдан милодий IV асргача Хитойдаги Гансу (Кенгсув) вилояти(Шарқий Туркистон)да, Урал, Олтой худудларида, Бақтрияда, Қадимги Дехистонда яшаганларни тўғрисидаги маълумотлар келтирилган [1-514...516 б.].

Тарихда фаол из қолдириш даври ва географияси салмоқли бўлган тоҳарлар қайси этноста мансублигини аниқлаш тарихчилар ва элшуносларда катта қизиқиш ўйғотиши табиийдир.

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ.

Тохарларнинг этник мансублигини ўрганишда улар билан бир ҳудудларда яшаган кўчманчи қабилалар ва ўтрок ҳалқлар ҳақидаги тарихий, археологик ва этнографик маълумотлар хронологик тартибда ўрганилди, таҳлил килинди ҳамда жамланиб хуносалар килинди.

Тохарлар тарихи ҳақида Маҳмуд Қошғарий [2], Абулғози Баҳодирхон [3] асарлари, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси [1], википедия [4], адвонтур [5] материаллари, Ўзбекистон [6; 7; 8; 9; 10], Туркманистон [11; 13; 14], Туркия [12; 15], Россия [16] тарихчи олимлари ва генетиклар[17]нинг илмий ишлари ўрганилди.

НАТИЖАЛАР.

Тўхорларга алоқадор тарихий маълумотларни хронологик тартибда келтирамиз, таҳлил ва хуносалар қиласиз.

Милоддан аввалги XIII-VI асрларда ҳозирги Туркманистоннинг жануби-гарбида, Каспий денгизининг жануби-шарқий соҳилларига туташ ерлари Қадимги Дехистон деб аталган [11-72, 73 б.]. Бу мамлакат номи даҳ қабиласининг номи билан боғлиқ бўлиб, С.П.Толстовнинг массагетлар ҳақида берган маълумотларида *дахлар тўхорлар билан бир элат* эканликлари [9-648 б.] кўрсатилган. Этнос номидаги “тўх(тох)” бўғини ўғузча талаффузда “даҳ”га айланиши мумкинлигини инобатга оламиз. Бундан келиб чиқиб, дахларга доир маълумотларни ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз.

Академик А.Асқаровнинг “Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиш тарихи” китобида қўйидаги маълумотларни учратамиз: Милоддан аввалги V-II асрларда Жануби-шарқий Уралорти ҳудудларида чорвадор сарматларнинг концентрацияси демографик портлашга олиб келади ва бу қабилаларнинг бир тўлқини ғарбга томон, бошқа бир йирик тўлқини эса жануби-шарққа, яъни Ўрта Осиё томон қаратилади. Ўрол тоғ тизмаларининг жануби-шарқий вилоятларидан милоддан аввалги IV-III асрлар давомида жануби-ғарбга томон силжиган сарматларнинг бир қисми Сирдарё қўйи ҳавзаларини эгаллаб, бу ернинг қабилалари билан аралashiб, милоддан аввалги III-II асрларда. Арис ва Тошкент воҳасига кириб келадилар. Бу этник гуруҳларнинг кўчманчи *дахларга алоқадор парф қабилалари* милоддан аввалги III асрда Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларигача кириб бориб, минтақанинг жануби-ғарбида Аршак бошлиқ Парфия давлатини ташкил этадилар [9-302...304 б.]. Парфияни ташкил этган парфлар дахлардан бўлса, улар эса ўз навбатида тўхорлар билан бир элат бўлса у ҳолда бу давлат ташкил этилишига ҳам тўхорлар алоқадордирлар.

Ў.Носировнинг “Ўзбеклар шажараси” китобидаги парфиянларнинг асли скиф қабилаларидан эканлиги, туркий бўлишганлиги, уларнинг Скифиядан уй-жойлари билан

кувғинга учраб, яширин суратда Гиркания билан дахлар, апартанлар ва марғиёнлар ўртасидаги чўлга жойлашишганлиги ва номи скифчада “парди - қочқин” маъносини бериши [6-59, 116, 279 б.] ҳақидаги маълумотлар ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлади.

Замондошимиз Анвар Шукуров парфияликларни ҳозирги туркманлар эканлигини таъкидлаган [7-29, 30, 37 б.]. Туркманларнинг эрсари ва теке уруғларида “пар” номли этносларнинг ҳозиргача сақланиб келаётганлиги, улар ўрта асрларда Туркманистоннинг Гизиларбат шахри атрофида, эрамиздан аввалги III асрларда Тежен атрофларида яшаган қадимги парн ва даҳлар авлоди эканлигининг Туркманистон олимлари томонидан эътироф этиб келиниши [12-110 б.] юқоридаги фикрнинг исботидир.

Туркманистонлик профессор С.Атаниязов ўзининг “Этнонимы в туркменском языке” номли китобида қадимги даҳ ва парнларнинг номи бирнечча уруғ(тоифа)лар таркибидаги “дали”лар, эрсарилар таркибидаги “пар”лар, шунингдек, Гизиларбатдаги жой номи “Парав”да сақланиб бизгача этиб келганлигини кўрсатган [14-89 б.].

Хитой манбаларини ўрганган ўзбек олими, профессор А.Хўжаев хитойчадаги “юэчжи” сўзи “ўғузер”ни англатишини, яъни юэчжилар ўғузлар эканлигини, улар тузган Юэчжи давлати Ўғузер давлати эканлигини аниқлаган [10-181...192].

Ўғузер (Юэчжи) давлати Милоддан аввалги XVI-II асрларда яъни 1400 йил хукм сурган. Бу давлат Урал тоғининг жануби-шарқий ёнбағирларидан Тангритоғ (Тян-Шань) этаклари, Шарқий Туркистон - ҳозирги Хитойнинг ғарбий худудларини ўз ичига олган [10-181...192; 6-216 б.]. Милоддан аввалги II асрнинг 176...174 йилларида ўғузларнинг бу давлати Хитойнинг шимолида яшаган хунлар билан тўқнашувдан сўнг тарқалиб, бир қисми Шарқий Туркистонда қолиб, катта қисми Дайюан (Парғана) орқали Амударёнинг юқори ҳавзалари - Бақтриягача бориб, бу ердаги юононлар давлатининг қолдиқларини тор-мор келтириб, хукмронликни қўлга киритганлар [10-181...192 б.].

Бу воқеалар Ў.Носировнинг “Ўзбеклар шажараси” китобида қуйидагича баён қилинган: хунлар зарбасидан иккига бўлиниб кетган юэчжиларнинг Гаосу худудларида колган кичик қисмини хитойликлар “ху” (бегона, ёт) деб аташган. Кичик юэчжилар Хитойда бир неча худудлarda яшаганлиги Сима Цзяннинг “Тарихий хотиралар”ида кайд қилинган. 177...176 йилларда Туман хоқон ғарbdаги 26 та кичик давлатларга, шу жумладан, Юэчжи давлатига қарши ҳарбий юриш қиласи. Учинчи марта хунлар усуналарни биргаликда ҳарбий юришга кўндириб, юэчжиларга катта зарап етказади. Юэчжилар Дунхун худудида усуналар билан ён қўшни сифатида яшаган даврда усуналар йўлбошчиси Нандубини ўлдирган эди. Бундан алам тортган Нандубининг ўғли Кунмо хунларга бориб, улардан отасининг хунини олишда ёрдам сўрайди. Хунлар юэчжиларга душманлик кўзи билан караб келаётгани туфайли Кунмонинг отаси хунини олиш ниятида катта қўшин билан Или

водийсига бостириб кирадилар. Бу пайтда юэчжилар Дунхундан Или водийсига эндиғина күчиб келишган эди. Натижада Или водийсида юэчжилар тұртінчи марта хунлар хужумидан катта талофат күрганлар. Шарқый Туркистаннинг шимолий сарҳадлариға күчиб келган юэчжилар Иссиқкүл атрофида саклар билан тұқнашадилар. Шундан сұнг саклар жануб томон күчишга мажбур бўлади. Навбатдаги усунлар таҳдиидан сұнг юэчжилар жанубга - Сирдарё ва Амударё ҳавзаси орқали Бақтрияга - шимолий Афғонистонга қадар күчиб борганлар [6-226 б.].

А.Аскаровнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи” китобида юэчжи(ўғуз)ларнинг жануби-ғарбий ҳудудларда ўз давлатларини қуришлари бўйича қуидаги фикрлар келтирилган: милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида Шарқый Туркистандан 5та жабғуликка бўлинган юэчжи қабилалари кириб келдилар. Юнон-Бақтрия подшолигини ағдарган юэчжилар 100 йил яна жабғулиқда яшадилар. Ниҳоят милоддан аввалги I асрнинг охирги чорагида беш жабғуликнинг бири - *Гуйшуан* - тўхор қабиласи етакчилигига бирлашиб, *Дахя* (*Тўхористон*) давлатига асос солинади. Қадимги эронийча “таяр -дахар” бўлиб, давлатнинг Даҳя номи шундан. Шунингдек, жанговар юэчжилар мамлакатимиз жанубий сарҳадларида Кушонлар империясига асос солишган [9-80; 331; 548; 646 б.];

Илк ўрта асрларда Бақтрия ўлкасининг Тоҳаристон номи билан юритила бошланиши ҳам уларнинг милоднинг ilk асрларидан бошлаб Бақтрия аҳолисининг кўп сонли ва ҳукмрон табақасини ташкил этганлигини кўрсатади. *Бақтрия ўлкаси қадими Хитой илномаларида Дася шаклида қайд этиладики, тадқиқотчилар унинг тоҳар сўзининг хитойча талаффузи* деб ҳисоблайдилар [1-514...516 б.].

Ушбу маълумотларни таҳлил қилиб шундай хulosага келиш мумкинки, *Бақтрияни эгаллаб уни 100 йил ябгулиқда бошқарган ўгузлар сұнг ўзларининг Тўхористон давлатини тузишган. Манбаларда бу давлат номи юэчжилар ҳукмрон уруғи тўхорларнинг номига аталгани таъкидланган*. Тўхористон номи Кушон подшолиги инқирозидан сұнг ҳам Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврида, VII-VIII ва IX-XIII асрларгача, ҳатто ҳозиргача йўқ бўлиб кетмасдан этнос, давлат ёки ҳудуд номи сифатида қўлланиб келинмоқда [16-378 б.; 9-370, 374, 415 б.; 8-77 б.].

Европалик шарқшунослар тўхорларни эроний тилли халқларга киритиб келаётган бир вақтда Ў.Носиров ўзининг “Ўзбеклар шажараси” китобида тўхорларнинг иккинчи номи “догарма” эканлигини, М.Қошғарий эса уларни ўғуз қабиласининг бир уруғи эканлигини кўрсатган [6-132, 179, 227, 369 б.]. Хўш, ўғузлар таркибида “тўхор” номли қавм борми? Ўғузларнинг 24 уруғидан бири “дўгер” бўлиб, бу уруғ номи Абулғозихоннинг “Шажараи тарокама” асарида “дукар” [3-11 б.], Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида

“тўгар” [2-89...91 б.], туркман олими Султоншо Атаниязов томонидан “тувер” [13-8 б.], турк олими Мөхмәт Калкан томонидан “тўкер” [15], википедияда “токар” [4] шаклида кўрсатилган. Тил хусусиятларидан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, бу ургунинг ўғуз лаҳжасидаги “дўгер” номи, қарлук лаҳжасида дастлаб “тўгар-токар”га, сўнгра эса, Ўрта Осиёда, шу жумладан, Бақтрия худудида кенг тарқалган шарқий эроний тилларнинг таъсирида “тўхор”га айланган бўлиши керак. *Демак, тўхорлар ва уларнинг бугунги кунгача яшаб келаётган дигор, тоxraut, тоxарлу, дали, пар каби қавмлари Ўзузхоннинг иккинчи ўғли Ойхондан бўлган неварасининг авлодлари бўлмиши дўгер-дўкар-тўгер-тувер-тўкар-токар уруғи авлодларидир* [18-111 б.].

Замондошимиз Ў.Носиров Хитой манбаларига асосланиб тўхорлар туркий этнос эканлиги, В.В.Латишевга асосланиб милоддан аввалги III-II мингийилликларда уларнинг Шарқий Европада яшаганликлари, Птолемейга асосланиб тўхорларнинг Ғарбий Европада яшаганликлари ҳақидаги маълумотларни келтирган. Шунингдек, Ў.Носиров “тўхор” нинг маъносини лингвистик таҳлил қилишга қаратилган уринишлар натижаларини келтирган [6-101 б.]. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи тарокима” асарида эса бу сўзниг маъноси “тўсарак, турк” эканлиги кўрсатилган [3-11 б.].

Одамларнинг ер юзида тарқалиши бўйича замонавий генетик олимларининг тадқиқотларида тўхорлар ва туркманлар генларининг гаплогрупгагаси бир хил эканлиги кўрсатилган-ки [17], бу хам тўхорлар ўғуз-туркманларининг бир уруғи эканлигига далилдир.

Ўрта асрларга келиб тўхорлар этнос сифатида тарих саҳнасидан тушиб, уларнинг тили асосан, туркий тиллар таркибиغا сингиб кетган. Турфон, Қораشاҳр ва Куча шаҳарларининг қадимий харобаларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида милодий V-VIII асрларга оид санскрит ёзувининг бошқа бир варианти - брахмийда ёзилган тўхор ҳужжатлари топилган. Эътиқодида ҳинд буддизми устуворлик қилганлиги сабабли ҳинд маданияти, хусусан ҳинд тили ва ёзуви тўхорлар орасида кенг тарқалган, шу билан бирга уларнинг қадимги ҳинд ёзувига асосланган она тилидаги ёзма адабиёти мавжуд эди. [9-276, 277, 357...359 б.]. Дарҳақиқат, милоддан аввалги III аср ва II аср бошларида Шарқий Туркистон ҳам, у ерда яшайдиган тўхорлар ҳам ўғузларнинг бир уруғи сифатида “Ўғузер” давлатининг таркибида бўлган. Тил масаласига келсак, шарқий эроний тиллар, жумладан суғд тили, Суғдиёнанинг юксак тамаддуни боис Буюк ипак йўли бўйлаб, хусусан Шарқий Туркистонга ҳам тарқалган эди. Брахмийда ёзилган тўхор ҳужжатлари буддизмнинг Ҳиндистондан Бақтрияга, ундан эса буюк ипак йўли билан Шарқий Туркистон орқали Хитойга тарқалганлигига далиллар бўлиб, тўхорларнинг этник келиб чиқиши ва мансублигига алоқаси йўқ.

Ўзбек элшунос олими Карим Шониёзов Тўхористон подшолари ябғу унвони билан аталгани тўғрисидаги тарихчи Табарий берган маълумотни келтирган [8-29 б.]. Бу ҳам тўхор ҳукмдорларининг туркий эканлигига ва туркийлик анъаналарини сақлаб келганлигига ишорадир.

Юэчжилар - тўхорлар, тўхорлар эса кушонлар эканлиги Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида куйидагича баён қилинган: “Хитойнинг Ғарбий ўлка билан дипломатик алоқалар ўрнатишига асосий сабаб милоддан аввалги I асрнинг 1 ярмида хунлар билан юечжилар (тўхорлар) ўртасидаги уруш бўлган. Бу урушда юечжилар енгилиб, уларнинг аксари қисми ҳозирги Ганьсу вилоятидан Еттисувга кўчган, бироқ бу ерда ҳам хунлар уларга тинчлик бермай қувғин қилганлар. Улар Ўрта Осиёнинг жанубига, Бақтрияга кетишга мажбур бўлишган, у ерда Юнон-Бақтрия подшолигини вайрон этишда бошқа қабилалар билан иштирок этишган. Кейинчалик юечжиларнинг авлодлари Кушон подшолигини барпо этишган” [1-“Ч” харфи. 74, 75 б.].

ХУЛОСА.

Тўхорлар ва уларнинг бугунги кунгача яшаб келаётган дигор, тоҳраут, тоҳарлу, дали, пар каби қавмлари ўгузларнинг 24 уругидан бири бўлмии дўгер-дўкар-тўгер-түвер-тўкар-токар уруғи авлодларидир.

Милоддан аввалги I асрнинг охиридан бошлаб Бақтрия “Тўхористон”деб аталди ва бу ном Кушон подшолиги инқирозидан сўнг ҳам Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврида, VII-VIII ва IX-XIII асрларгача, ҳатто ҳозиргача йўқ бўлиб кетмасдан этнос, давлат ёки ҳудуд номи сифатида қўлланиб келинмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. www.ziyouz.com. кутубхонаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашириёти. Тошкент.
2. www.ziyouz.com. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Солих Муталибов таржимаси. З томлик, I том. Т.: “ЎзФА нашриёти”, 1960 - 499 б.
3. www.ziyouz.com. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи тарокима. Нашрга тайёрловчи Қозоқбой Махмудов. 1995 - 28 б.
4. https://ru.wikipedia.org/wiki/%Човдур_%28племя%29.
5. <https://www.tm.advantour.com> > people Народ Туркменистана - Этнический состав населения -Advantour.
6. Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси.- Т.: “EXTREMUM PRESS”, 2012.
7. Шукуров А. Нур устига нур ёғсин ёхуд 4800 йил аввалги бир сўзимиз ҳақида дунёда бораётган баҳс тўғрисида битик: эссе / - Т.: Chashma Print, 2013.
8. Шониёзов К. Қарлук давлати ва қарлуклар. - Т.: “Шарқ”, 1999.

9. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. / А.Асқаров. - Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015 - 680 б.
10. Хўжаев.А. Фарғона тарихига оид маълумотлар.Фарғона, 2013.
11. B.Esenow, N.Babaýew, D.Kössekow, O/Gurbanowa, O. Çaryýewa, T.Sahydow, G. Akynyýazow. Türkmenistanyň taryhy. Aşgabat. Türkmen döwlet neşirýat gullugy. 2009 – 269 б.
12. <https://doczz.biz.tr/doc/92258/oguznama-%C5%9Fejere--t%C3%BCrkmenlerin-soya%C4%9Faci--dr.-mehmet-kyly%C3%A7> OGUZNAMA-ŞEJERE (Türkmenlerin Soyağacı) Dr. Mehmet Kylyç.
13. Ataniyazov S. Türkmen boyalarinin geçmişi, ýaýylyşy, bugünkü durumu ve geleceği. <https://biling.yesevi.edu.tr/yonetim/icerik/makaleler/3475-published.pdf>.
14. Атаниязов С. Этнонимы в туркменском языке. - Ашгабат: ЫЛым, 1994.
15. <https://youtu.be/hJzddqT2bdA?si=uC92GUjN4BWvA-Sy>. Mehmet Kalkan. Oğuz boyları, türklerin soy ağacı.
16. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. - Т.: “Фан”, 2007.
17. www.youtube.com. Аслан Жамбаев. Расселение людей по земле (Гаплогруппы::R1a).
18. Тўймурадов З.Х. Туркийлар тарихидан қайдлар /Монография/. -Қарши: “Насаф” НМИУ, 2023. 208 б.